

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУШАКОВА ГУЛНОРА ЭГАМКУЛОВНА

**ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ
(олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Кушакова Гулнора Эгамкуловна

Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш технологияси
(олий таълим муассасалари мисолида) 3

Кушакова Гулнора Эгамкуловна

Технология формирование толерантного мышления у молодежи (на примере
высших образовательных учреждений) 23

Kushakova Gulnora Egamkulovna

Formation of tolerant thinking among young people (based on cooperation
between general education schools and higher educational institutions) 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 03/30.01.2020.Ped.02.06
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

КУШАКОВА ГУЛНОРА ЭГАМКУЛОВНА

**ЁШЛАРДА ТОЛЕРАНТЛИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ
(олий таълим муассасалари мисолида)**

13.00.01. – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped25 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengashlar>) ва “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Айниса Мусурманова

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Махмудов Мэлс Хасанович

педагогика фанлари доктори, профессор

Каххорова Матлюба Манофовна

фалсафа фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD. 03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади, (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (..... рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Х.И. Ибраимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.д. (PhD)

Н.Ш.Шодиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунё микёсида иктисодий-ижтимоий интеграция ва глобаллашув, элатлар, халқлар, мафкуралар хилма-хиллиги шароитида ўзаро ҳамжиҳатлик фалсафаси ва маданиятига бўлган талаб кундан кун ортиб бормоқда. ЮНЕСКО ташкилотига аъзо 185 давлатлар иштирокида имзоланган “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”да (1995 йил 16 ноябр, Париж) таълим-тарбия тизими толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг муҳим омили сифатида эътироф этилиб, илғор таълим муассасалари ўқув ҳаракатларини инсонни ҳуқуқ ва эркинликларини тушунтириш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини теран англантиш асосида толерантлик руҳида тарбиялашга қаратмоқдалар.

Жаҳонда ёшлар толерантлик тафаккурини шакллантириш шарт-шароитлари, хусусиятлари, функционаллиги, самарадорлиги ва ўзига хослиги, таркиби, дин ва давлат муносабатлари, замонавий, илмий асосланган, миллий ва умумбашарий қадриятларга таянган билим ва кўникмалар мажмуини шакллантириш, ғоявий ақидалар, ахлоқий норма ва талабларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар йўлга қўйилган. Мазкур тадқиқотларда толерантлик турли зарарли ғоя ва тушунчаларга қарши омил сифатида инсоннинг жамиятдаги иктисодий, маънавий ва мафкуравий, диний муносабатларга киришишининг замонавий қонун-қоидаларини ўзида ифода этиши асосланган.

Ўзбекистонда мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига киришда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёшларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган ислоҳотлар доирасида олий таълим муассасалари ўқув мазмунига толерантлик тафаккурига оид компетенциявий ёндашувларни жорий этиш имкониятини кенгайтирмоқда. Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирларида “юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу эса толерантликнинг ижтимоий-педагогик заруриятдан келиб чиқиб, ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш технологияларини ишлаб чиқиш, унинг дидактик, аксиологик ва акмеологик мазмунини такомиллаштириш, бу борада педагогик ҳамкорлик ва интеграцион омиллар хусусиятларини белгилаш, мавжуд тизимдаги педагогик фаолиятни оптималлаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон, 2019 йил 4 сентябрдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4436-сон Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 17 сентябрдаги “Таълим тизимида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 736-сон қарори ҳамда бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Толерантлик тафаккурининг ижтимоий, фалсафий, тарихий, психологик, педагогик ва социологик жиҳатлари файласуф, диншунос, шарқшунос, тарихчи, педагог, сиёсатшунос олимлар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонда толерантлик ғояси “бағрикенглик” тушунчасининг турли қирраларини ўзида мужассам этади. Бағрикенглик ғояси ўзбек халқининг миллий тафаккуридан чуқур илдиз олган тушунчадир. Мустақиллик билан толерантлик тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-тарихий тушунча сифатида мафкуравий жараёнларга қайта кириб келди.

Хусусан, толерантликнинг ижтимоий-сиёсий воқеликдаги зарурияти ва ўзига хос хусусиятлари Д.Алимова, Х.Бобоев, И.Жовлиев, А.Закрулаев, Э.Каримова, З.Мунавваров, Н.Раҳмонов, И.Саифназарова, З.Қодирова, З.Хуснутдинова, М.Хажиева, М.Шарифхўжаев каби олимлар томонидан умумий тарзда ўрганилган бўлиб, бағрикенглик тушунчаси ижтимоий-фалсафий синтегма сифатида баҳоланади. Толерантлик ғояларининг тарбиявий аҳамияти ва таълимий асослари бўйича Г.Акрамованинг бошланғич синф ўқувчиларида толерантлик тушунчаларини шакллантиришнинг дидактик асослари, Г.Арипованинг оилада толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини тадқиқ этишга бағишланган изланишлари кузатилади.

Сўнги йилларда толерантлик муаммоси россиялик З.Г.Апресян, А.Г.Асмолов, Т.Болотина, В.А.Воробьева, С.Н.Глазачев, Г.Д.Дмитриев, Д.В.Зиновьев, М.Золотухин, П.Ф.Комогоров, И.В.Крутова, М.С.Мириманова, В.Н.Павлов, В.А.Ситаров, Л.В.Строганова, Л.В.Зарецкая, Д.В.Зиновьев каби олимлар томонидан фалсафий-маънавий тушунча, шахс

шаклланишининг зарурий элементи, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий зиддиятлар тизимидаги яшаш услуби тарзида таҳлил этилган.

Хорижлик олимлардан Э.Риэрдон Бетти, Т.Адорно, Ж.Эллпорт, С.Мендус, С.Хэллэр ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида толерантлик тушунчасининг назарий асослари, семантик мазмуни, бу хусусиятни таркиб топтиришнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий қирралари, толерантлик ва замонавий жамият зиддиятлари масалалари ўрганилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар” (2017–2021 йй.) режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: олий таълим муассасаларида ёшлар толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик ва инновацион технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммога оид илмий-педагогик, назарий, социологик, фалсафий манбаларни, педагогик назария ва амалиётдаги ҳолатини ўрганиш асосида толерантликнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлигини асослаш;

ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш технологияларининг дидактик, аксиологик ва акмеологик мазмунини такомиллаштириш;

ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришда педагогик ҳамкорлик ва интеграцион омиллар хусусиятларини белгилаш асосида унинг яхлит андазасини ишлаб чиқиш, самарали шакл, восита ва услубларини аниқлаш;

таълим инфраструктураси, интеграцияси, шарт-шароитлари, талаблари ва хусусиятларини аниқлаштириш асосида мавжуд тизимдаги педагогик фаолиятни оптималлаштириш, замонавий инновацион моделини яратиш, амалиётга татбиқ этиш, илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва самарадорлик даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах давлат педагогика институти, Қарши давлат университети, Наманган давлат университетининг 425 нафар талабалари жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш мазмуни, шакл, восита, усуллари ва омилларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида педагогик кузатув, аналитик таҳлил, анализ ва синтез, моделлаштириш, суҳбат, сўровнома, мониторинг, интервью, тажриба-синов, тест ҳамда математик-статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда толерантлик тушунчасининг тарихий шаклланиш босқичлари (қадимги тамадун, ислом маданияти, ўрта аср маданияти,

мустақиллик даври) толерантлик ғоялари таҳлиliga (тарихий-тадрижий, ижтимоий, илмий-педагогик) устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш талаблари (комплекслилик, тарбия тамойилларининг тенглиги) ўқув жараёни ва маънавий-маърифий тадбирлар мазмуни (илмий-назарий, ташкилий, таълим менежменти, педагогик ҳамкорлик) такомиллаштирилган;

педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар тузилмасини ёшларнинг толерантлик тафаккурини шакллантириш ва шахс хусусияти (етук, фаол, етакчи, баркамол) интеграцияси бўйича такомиллаштириш зарурати асосланган;

толерант шахсни шакллантириш концепцияси олий таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг педагогик мотивацияси омиллари (жараён, натижалilik, баҳоланиш, зиддиятдан қочиш) ва тамойилларини (устуворлилик, самарадорлилик, йўналганлик, асослилик) аниқлаштириш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагиларда ўз аксини топган:

ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг ўқув-методик таъминоти (“Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик асослари” номли монография, “Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш йўллари” номли услубий қўлланма, “Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш” ўқув курси дастури) яратилган;

тадқиқотда илгари сурилган ғоя ва тавсиялардан “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавий асослари” ва “Диншунослик”, “Фалсафа (этика, эстетика ва мантиқ)”, “Социология”, “Маданиятшунослик”, “Педагогика”, “Ўзбекистон тарихи” каби фанлар мазмуни такомиллаштирилган;

толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир инновацион ёндашувлар асосида ёшлар толерантлик марказлари ташкил этилган, олий таълим муассасалари билан фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат ноtijорат ташкилотлари ҳамкорлиги дастурлари ишлаб чиқилган;

ёшларда соғлом иммунитетни ривожлантириш, толерантлик тафаккурини шакллантириш шакл, восита ва усулларини қўллаш механизмлари жорий этилган, уларнинг самарадорлик даражаси белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир илмий-назарий ёндашувлар, қарашлар ва ғоялар, жаҳон тажрибаси ўрганилганлиги, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот усуллари, методик таъминот амалиётга жорий этилганлиги, тажриба-синов ишлари репрезентативлиги, математик-статистик таҳлил тадқиқот самарадорлигини тасдиқлаганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир таълим мазмуни такомиллаштирилганлиги, инновацион технология, интерфаол метод, шакл ва воситаларни қўллашга доир тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, уларнинг тажриба-синовдан ўтказилганлиги, тақлиф этилган педагогик тизимнинг самарадорлиги

аниқланганлиги, назарий ёндашувлар, педагогик андаза, қарашлар ва ғоялар жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар доирасида таълим жараёни мазмуни такомиллаштирилганлиги, ўқув ва маънавий-маърифий фаолият янги ёндашувлар асосида ташкил этилганлиги, соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, ёшлар, тадқиқотчилар, фуқаролик жамияти институтлари мутасаддилари ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим муассасалари ёшларининг толерантлик тафаккурини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган назарий ва амалий таклифлар асосида:

педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанлар тузилмасини такомиллаштириш, ёшларнинг толерантлик тафаккурини шакллантириш ва шахс хусусияти (етук, фаол, етакчи, баркамол) интеграциясига оид таклифлардан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 30 мартдаги 281-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Талаба-ёшларнинг мафкуравий иммунитетини ва ғоявий бардошлилигини мустаҳкамлаш бўйича услубий тавсиялар”, “Талаба-ёшларда миллий ўзликни англаш, миллий қадриятлар ва анъаналар ҳамда умуминсоний қадриятларга нисбатан чуқур ҳурмат ва эҳтиромда бўлиш туйғуларини ривожлантириш бўйича услубий тавсиялар”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 89-02-1240-сонли маълумотномаси). Натижада ижтимоий фанлар мазмуни ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришга оид тушунчалар билан такомиллаштирилган;

ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш талаблари (мажбурийлик, комплекслилик, тарбия тамойилларининг тенглиги), ўқув жараёни ва маънавий-маърифий тадбирлар мазмуни (илмий-назарий, ташкилий, таълим менежменти, педагогик ҳамкорлик)га оид таклифлар асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 23 августдаги 600-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ахборот ва мураббийлик соатлари” машғулоти учун намунавий режа”сини ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 27 июндаги 89-02-1240-сонли маълумотномаси). Натижада ёшларнинг соғлом иммунитетини ривожлантириш, толерантлик тафаккурининг шаклланганлик даражасини белгиловчи мезонлар асосида олий таълим муассасаларида “Ёшлар толерантлик маркази” фаолиятини ташкил этишга эришилган.

Ўзбекистонда толерантлик тушунчасининг тарихий шаклланиш босқичлари (қадимги тамадун, ислом маданияти, ўрта аср маданияти, мустақиллик даври), толерантлик ғоялари таҳлилига (тарихий-тадрижий, ижтимоий, илмий-педагогик) оид тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг ПЗ-20170930374–рақамли-“Жамиятда диний экстремизм ва терроризмга қарши ижтимоий профилактика механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги давлат грантини амалга оширишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2019 йил

14 майдаги 0209/518-19-сонли маълумотномаси). Натижада ёшларнинг толерантлик тарғиботига доир илғор педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш, шахслараро муносабатларга киришиш, миллатлар, маданиятлар, эътиқодлар, урф-одатлар, динлараро ва мафкуралараро ижтимоий муносабатларни мувозанатда сақлаб туришга оид билимлари ортган.

толерант шахсни шакллантириш концепцияси, олий таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг педагогик мотивацияси омиллари (жараён, натижалилик, баҳоланиш, зиддиятдан қочиш) ва тамойиллари (устуворлилик, самарадорлилик, йўналганлик, асослилик)га доир таклифлар Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг “Бир оилада эзгу мақсадлар сари” шиори остидаги тарғибот тадбирлари режасининг 1-, 2-бандларини шакллантиришда фойдаланилган (Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 1-19/165-сонли маълумотномаси). Фестивал доирасида талаба ёшларнинг ташаббуслари билан ташкил этилган тадбирлар ҳамда “Ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш” мавзусидаги маҳорат дарслари, семинар-тренинглари ёшлар ўртасида миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашга, бағрикенглик, хурфикрлилик, ҳамжиҳатлик туйғуларининг шаклланишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та нашр, жумладан 1 та патент, 1 та монография, 1 та услубий қўлланма, “Ёшлар толерантлик тафаккурини шакллантириш” ўқув курси дастури, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 138 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг илмий-назарий асослари” деб номланган биринчи бобида Ҳаракатлар стратегияси асосида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашнинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, шахс толерантлик тафаккурини таркиб топтиришнинг тарихий-тадрижий тараққиёти, ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг ижтимоий, илмий-педагогик жиҳатлари ва амалдаги ҳолати ўрганилган.

Толерантлик инсонлар, миллатлар, маданиятлар, эътиқодлар, урф-одатлар, динлар, мафкуралараро турли ижтимоий-сиёсий муносабатларни мувозанатда сақлаб туриш меъёридир. Педагогик нуқтаи назардан, толерантлик жамиятдаги турли иқтисодий, маънавий, мафкуравий ва диний қадриятлар тизими доирасида инсон ахлоқига нисбатан қўйиладиган маълум этик-эстетик норма ва талаблар мажмуини ташкил этади.

Тарихий шаклланишига кўра толерантлик динларга бўлган ҳолис муносабат, динларни бир-биридан устун қўймаслик, ажратмаслик, инсон диний эътиқодига эҳтиром, эътиқодлилар ва даҳрийлар ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши каби моҳиятан зарур бўлган ғояларни ўз ичига қамраб олади. Толерантлик дунёвий давлатнинг энг зарур ижтимоий-маънавий хусусиятларидан бўлиб, замонавий жамиятларда инсонлар орасидаги турли фарқларга нисбатан тенг ва сабр-бардошли муносабат сифатида талқин қилинади.

Тадқиқотда толерантлик тарихий-миллий илдизларга эга ижтимоий-фалсафий ҳодиса сифатида ўрганилган. Ўзбекларнинг миллий қадриятлари таркибида энг қадимги даврлардан бошлаб бағрикенглик, хусусан, маданий ва диний бағрикенглик тушунчалари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги масалаларни ўз ичига қамраб олган:

– одамларга ёши, миллати, ирқи, жинси, молиявий аҳволи, насл-насабидан қатъий назар бир хил муносабатда бўлиш;

– атрофдагиларга нисбатан самимий муносабатни инсон маданияти ва тарбияланганлигининг муҳим белгиси сифатида баҳолаш;

– “комил инсон” тушунчаси доирасига унинг кенг феъллилиги, ўзгаларга яхши муносабат кўрсата олиши, муомала маданияти, бошқа динлар ва урф-одатларни ҳурмат қилишга тайёргарлигини киритиш;

– тарихий жараёнларда ҳамма вақт ўзга маданиятлар, миллий урф-одатларнинг илғор томонларини миллий маданиятга сингдириш (муомала маданияти, уй тутиш, таом тайёрлаш, озодаликка риоя этиш, болаларга муносабат);

– асрлар давомида ўзбеклар миллий маданияти, мулоқот одоби, урф-одатлари ва қадриятлари тизимининг ўзга маданиятларга бўлган ижобий таъсирини ўтказиш.

Тадқиқотда монотеистик динлар, хусусан, ислом дини, унинг муқаддас манбалари бўлган Қуръон ва Ҳадисларда, ислом мутафаккирлари қарашларида илгари сурилган толерантлик ғоялари изоҳлар, ривоятлар, ҳикоятлар, тарихий фактлар асосида изоҳланган. Шарқ мутафаккирларидан Қафқол Шоший, Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний, Имом Мотурудий,

Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Амир Хусрав Дехлавий, Абу Закриё Яҳё бинни Маоз, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Имомиддин Насимий кабиларнинг бағрикенгликка оид қарашлари асосида толерантликнинг миллий асослари ёритилган. Ислом дини, шариат ва фикҳий масалаларнинг ўрганилишида бағрикенглик омиллари хусусиятлари тадқиқ қилинган, Ғарб мутафаккирларининг қарашлари тизимлаштирилган.

Диссертацияда толерантлик ғоялари шаклланишининг ислом маданияти таркибидаги беш тарихий босқичи ажратилди ва таҳлил қилинди. Толерантлик тушунчаси қадимданок ўзгаларни ўзидек билиш, ўзгаларга озор етказмаслик, ўзгалар ҳис-туйғуларига эътиборли бўлиш, ўзгаларни англашга саъй-ҳаракат қилиш, эмоционал майинлик ақидалари асосига қурилганлиги исботланган (1-расмга қаранг).

1-расм

Турли дунё динларда толерантлик тушунчаси талқини

№	Диний эътиқодлар	Ўзгаларга муносабат мазмуни
1	Буддавийлик	“Инсон ўз қариндошлари, ёр-биродарларига бўлган муносабатини беш восита орқали изҳор этиши мумкин: уларга эъзозли, эътиборли, меҳрли, хайрихоҳ бўлиш, ўзига қарагандек қараш ва ўз сўзи устидан чиқиш”.
2	Конфуцианлик	“Бошқалардан ўзингга қандай муносабатни истасанг, уларга ҳам шуни раво кўр”.
3	Индуизм:	“Ўзингни оғритган нарсаларни бировга раво кўрма”.
4	Ислом	“Сизлардан ҳеч бирингиз ўз биродарингизни ўзингиздек ардоқламагунича мусулмон бўла олмайди”.
5	Жайнизм	“Ва бахтсиз онларда, хурсандлик ва ғамгинликда биз ҳар бир жонзотга ўзимизга бўлгани каби муносабатда бўлмоғимиз даркор”.
6	Иудаизм	“Ўзингга ёмон бўлган нарсаларни ўз яқинларингга қилма”.
7	Зороастризм	“Ўзига ёмон бўлган нарсаларни бировларга раво кўрмаган одамгина яхши одам бўлади”.
8	Христианлик	“Ўзингизга қандай муносабатни истасангиз, ўшандай муносабатни ўзгаларга ҳам истанг”.

Тадқиқотда толерантликни ёшлар тафаккурида шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўрганилган. Мустақиллик йилларида толерантлик ва диний бағрикенглик тамойиллари миллий мафкура ва ўзликни англаш талаблари билан боғлиқ равишда мазмунан қайта шакллантирилганлиги ва бойитилганлиги қайд этилган. Толерантлик мақсадларини жамият ҳаёти, хусусан, ёшлар тафаккурига сингдиришнинг амалий жиҳатлари демократик фуқаролик жамияти, дунёвий давлат қуриш жараёни билан узвий боғланган. Толерантлик айнан мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий ва фалсафий илмлар таснифидан қайта ўрин олганлиги қайд этилган. Шунингдек, толерантликни шакллантиришнинг педагогик омиллари ва хусусиятлари масалаларига доир олимлар қарашлари тизимлаштирилган.

А.Г.Асмолов “толерантлик” тушунчасининг мазмунига уч муҳим хусусиятни киритади. Булар: инсон сабр-тоқати ва бардоши билан боғлиқ хусусиятлар; бошқаларга нисбатан ҳам жисмоний, ҳам маънавий-руҳий

жихатдан қаноатли бўлиш хусусияти; инсонлараро муносабатларда агрессив амалларнинг қатъий ман этилиши.

Бизнинг фикримизча, таъкидланган хусусиятлар мезонларини анча кенгайтириш зарур. Дарҳақиқат, “толерантлик” тушунчаси, бир томондан, мумкин бўлган кадриятлар, иккинчи томондан эса, ман қилиниши лозим бўлган амаллар тизимини ўз ичига олади. Аммо толерантлик фақат сабр-бардошлилик, қаноатлилик тушунчаларигина эмас. Шу боис, ўзбекларнинг миллий тафаккурида толерантлик тушунчаси доирасига кадр, иззат, сабр, қаноат, меҳр, кенг феъллилик, билимдонлик, бошқа маданият ва дин вакилларини тан олиш, тақводорлик, бағрикенглик, дўстлик, биродарлик, ўзаро тенглик, ҳамжиҳатлик, тинчлик, тотувлик каби тушунчалар киритилган.

Рус олими Г.Д.Дмитриев замонавий демократик жамиятлар бош хусусиятларидан бири толерантлик мафкураси эканлигини қайд этади. Ғарблик Риэрдон Бетти Э., Т.Адорно, М.Хоркеймэр, Ж.Эллпорт, С.Мендус каби олимлар фикрига кўра, замонавий жамиятлардаги толерантлик тамойиллари модели интеллектуал эркинлик ва бошқаларга нисбатан мутлақ, яъни абсолют бардошлилик мезонларидан иборатдир. И.В.Цветкованинг фикрига кўра, толерантлик феномени рус жамияти учун ҳанузгача ёт тушунча бўлиб қолмоқда.

Инсон ижтимоий воқелиқдир. Унинг ҳаёти фақат жамият таркибидагина реал воқеликка айланиши мумкин. Бу эса инсон жамиятнинг бошқа аъзолари билан, албатта, маълум муносабатлар ўрнатиши зарурлигини англатади. Инсоннинг турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, оилавий муносабатларга киришиш қобилияти ундан конструктив мулоқот қила олиш кўникмаларини шакллантиришни тақозо этади.

Р.Г.Апресян толерантлик мазмуни “бардош қилиш” тушунчасидан анча кенгайиб бораётганлигини қайд этади. П.А.Сорокиннинг фикрига кўра, толерантлик бугунги кунда, бир томондан, анланган, иккинчи томондан, фаол муносабат сифатида шакллантирилган хусусиятга тўғри келади. Бу жараёни “меҳрли сўзга учмаслик, кўпол сўздан ранжимаслик” тарзида англаш тўғрироқ бўлади. Бироқ, В.А.Тишковнинг уқтиришича, ақлий салоҳият ёки билимнинг ўзигина толерантлик мезони бўла олмайди.

Р.Р.Валитова толерантлик тарбияси ёшлар ичида учраб турадиган ҳар қандай агрессив ҳолатларнинг олдини олишга қаратилиши зарур, деб ҳисоблайди. Шу боис, Б.З.Вульфов толерантликка ўргатувчи инсон, яъни ўқитувчининг ана шу кадриятларни ўзига синдирган бўлиши лозимлиги борасида сўз юритади.

М.С.Мириманова эса, “инсондаги инсонийликни таъминлаш”ни толерантлик билан боғлайди. Олима толерантликни шахснинг “ўзгани ўзи сифатида англаш” қобилияти деб билади.

Г.Р.Акрамованинг фикрига кўра, “Ўқувчида толерантлик тушунчаларини шакллантиришдан мақсад жамият аъзолари орасида

барқарор ижтимоий муносабатларни таркиб топтириш”дан иборатдир. Г.Арипова толерантликни кўп қиррали ижтимоий-психологик категория сифатида баҳолайди.

Бизнинг фикримизча, толерантлик инсоннинг шахслараро, жамиятлараро муносабатларга кириша олиш қобилияти, унинг турли зиддиятли вазиятларга тайёрлиги ва муаммоларни адекват хулосалаши каби хусусиятларни ҳам ўз мазмунига қамраб олади.

Диссертациянинг **“Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш механизмларини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантиришнинг педагогик мазмуни, инновацион технологиялари ҳамда олий таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлик педагогикаси масалалари кўриб чиқилган.

Толерантлик тафаккурини шакллантириш ёшларни дунёвий илмлар асосида тарбиялаш асосига қурилмоғи даркор. Толерантлик ёшлар тафаккурида уларнинг жамиятда ўзини тутиши ва ўз фикрини бошқаларга ўтказиши бўйича маълум кўникмаларни эгаллаши зарурлигини кўрсатади. Булар:

– дунёдаги ирқ, миллат, элат, маданият, дин, тил ва давлатларнинг турли-туман, ранг-баранг ва ўзига хослигини ҳурмат қилиш;

– ўзга ирқ, миллат, элат, маданият, дин, тил ва давлатлардаги инсонларнинг ўзига хос қадриятлари тизими, урф-одатлари, мантиқий фикрлаш жараёни, турмуш тарзи ва менталитети мавжудлигини тан олиш, англаш, мазкур ҳолатнинг табиий эканлигини тушуниш;

– ўзга бир инсоннинг ирқи, миллати, элати, маданияти, дини, тили ва давлатидан қатъий назар, бошқаларга нисбатан фарқли томонлари борлигини қабул қилиш ва мана шу фарқлар тизимига ижобий муносабатда бўлиш;

– ўзаро муносабатларда инсоннинг эмоционал-ҳиссий жиҳатларини баҳолашда умумбашарий гуманитар мезонларга таяниш, ўзгалар ички дунёсини баҳолашга уриниш, улар кадрлаган ҳис-туйғуларни баҳолаш;

– турли зиддиятли вазиятларда толерантлик асосида муаммоларни ҳал қилишга ўрганиш, муваффақиятли ечимларини топиш бўйича зарур малакаларни эгаллаш ва толерантлик талабларига доимо амал қилиш.

Мазкур жараённинг педагогик мазмуни ёшларда умумбашарий ва миллий қадриятлар асосида қуйидаги билим, кўникма ва малакаларнинг ҳосил қилинишини тақозо этади:

– толерантлик тушунчасининг илмий-назарий ва тарихий такомиллашиш илдизларини билиш;

– “мультимаданият”, “полиэтниклик”, “мономаданият”, “полимаданият” ва “маданиятлараро диалог” каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш;

– геноцид, расизм, ксенофобия, экстремизм, этноцентризм, радикализм, фундаментализм, миллатчилик, сепаратизм, маҳаллийчилик, миллий ва

гуруҳли худбинлик, диний ақидапарастлик ва диний риёкорлик каби толерантликка қарши бўлган тушунчалар мазмунини тўғри англаш ва баҳолаш, уларга қарши бўлган толерантлик тафаккурига таянишга ўрганиш;

– дунёвий давлат ва дин муносабатлари, эътиқод эркинлиги тушунчаси, инсон ва диний эътиқод, даҳрийлар ҳуқуқлари масалалари бўйича миллий истиқлол ғоясига асосланган билим ва кўникмаларни эгаллаш;

– мафкуравий зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар, ахборот хуружлари, мафкуравий кураш жараёнларида ёшлар тафаккурини диний ақидапарастлик, диний риёкорлик, “сохта демократиялар”, “рангли инқилоблар”, “превентив революциялар” ва бошқа турли мафкуравий таҳдидлардан асрашга ўргатиш;


– ёшларни ўзаро мулоқот ва муомала маданиятига, баҳслашиш, етакчилик қилиш, низо ва келишмовчиликларнинг ижобий ечимини топиш, ўзгалар ҳуқуқларини кадрлаш маданиятига ўргатиш;

– ҳар бир шахс ноёб ва такрорланмас индивид эканлигини чуқур англаш, ўзгаларга маънавий-руҳий ва жисмоний зарар етказмаслик, инсонлараро мулоқотга киришиш маданияти ҳамда коммуникативлик кўникмаларини шакллантириш.

Тадқиқотимиз давомида олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги олий таълим муассасалари талаба-ёшларида толерантлик тафаккурини шакллантириш модели ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур модел икки қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисмда ёшлар толерантлик тафаккурини шакллантиришга доир илмий-назарий билимлар билан қуроллантирилади, толерантлик кўникмаларини таркиб топтириш ҳамда соғлом тафаккур ва соғлом дунёқарашга эга, атрофидагиларга дўстона муносабатда бўла оладиган Толерант шахсни шакллантириш кўзда тутилади.(2-расм)

Толерантлик сари юзланган педагогик йўл таълим жараёнининг ҳар бир иштирокчиси томонидан олиб бориладиган жиддий эмоционал, интеллектуал, психологик меҳнатдир. Чунки толерантликни толерант мулоқотсиз қуриб бўлмайди. Толерант мулоқот эса, томонларнинг ёқимлилиқ (симпатик мулоқот, Г.Г.Шпет); ҳамдардлик (эмпатик мулоқот, М.М.Бахтин); ҳамжиҳатликда англаш (онгли мулоқот, В.Ф.Гумбольдт) каби ўзаро мулоқоти асосига қурилмоғи лозим.

Толерантликни ёшлар тафаккурида шакллантириш талаблари унинг фалсафий, ижтимоий, ахлоқий, функционал, амалий жиҳатлари борасидаги маълум билим ва кўникмаларнинг зарурий меъёрларини тарихийлик, илмийлик, ижтимоийлик, объективлик, узвийлик, ўзаро тенглик, давомийлик, мунтазамлилиқ асосларида бериб борилишини тақозо этади.



2-расм. Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш модели

Толерантлик тафаккурини шакллантириш мазмуни ёшларда куйидаги умумий ва изчил кўникмаларнинг тарбияланишига қаратилмоғи даркор:

– жамиятда тинчлик-тотувлик, аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, барқарорлик, бунёдкорликка асосланган толерантлик муносабатларини ҳар жабҳада ўрната олувчи етукшахс;

– толерантликка ёт бўлган муносабатларга қатъий қарши чиқа оладиган фаол шахс;

– толерантлик кадриятларини кенг тарғиб ва ташвиқ қила оладиган, ўз ғоялари атрофида ёшларни мужассамлаштириб, уларни бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган етакчи шахс;

– ўз ҳаётини толерантлик тамойиллари асосида қура оладиган ҳамда етук, фаол, етакчи шахс хусусиятларини тўла намоён этган баркамол шахс.

Тадқиқотда толерантлик тамойилларининг куйидаги шаклланганлик даражалари белгиланди:

а) бошланғич (жиззаки зиддиятли) даража;

б) бошланғич-нейтрал даража;

в) паст ва фаоллашмаган даража;

г) ўрта (мотивациялашган) даража;

д) юқори (доимий амал қилиш) даража.

Ёшларда толерантликни шакллантириш уларда куйидаги хусусият ва ҳис-туйғуларни камол топтиришига олиб келиши аниқланди: мулоҳазалилик, инсонийлик, ғамхўрлик, меҳрибонлик, иродалилиқ, қатъиятлилик, чидам, сабр-бардош, эътибор, эъзоз, иззат, ҳурмат, тинчликсеварлик, тенгхуқуқлилиқ, тушуниш, самимийлик, яхши кайфият, кенг дунёқараш, маданиятлар, халқлар, урф-одатлар, динлар ва эътиқодлар тарихини билиш ва ҳурматлаш, бағрикенглик, миллатпарварлик, кечиримли бўлиш, халқпарварлик, ёт ғояларга қарши тура олиш ва ҳ.к.

Толерантлик тафаккури ёшларда куйидаги салбий хусусиятлардан сақланиш қобилиятини шакллантиради: иккиюзламачилик, қатъиятсизлик, қаҳр, ғазаб, жиззакилик, ўзини бировлардан устун кўйиш, ўзига оро бериш, бировларни менсимаслик, адоват, кўполлик, низоларни келтириб чиқариш, зиддиятларга мойиллик, инсонларни бир-бирига қарши кўйиш, эътиборсизлик, беҳурматлик, жамоатчиликдан қочиш, кўрселик, хирс, ақидапарастлик, бузғунчилик ва ҳ.к.

Диссертациянинг **“Ёшларда толерантлик тафаккурини шакллантириш натижаларини назарий ва амалий ташхислаш”** деб номланган учинчи бобида толерантлик тафаккури шаклланганлик даражасини баҳолаш индикаторлари, тажриба-синов ишлари натижалари ва самарадорлиги масалалари таҳлил қилинган.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда Жиззах давлат педагогика институти, Қарши давлат университети, Наманган давлат университетида олиб борилди. Респондентларнинг 215 нафари тажриба, 210 нафари эса назорат гуруҳига жалб этилди.

Тадқиқот доирасида Жиззах давлат педагогика институтида 1–4 курс талабаларидан иборат **“Ёшлар толерантлик маркази”** тузилди. Марказга

интилиш ва қизиқиш билдирган 120 та талаба томонидан тадқиқот доирасида махсус тайёрланган интерфаол усулдаги семинар-тренинглари ўтказилди. Семинар-тренинглари фуқаролик жамияти институтларида ҳам олиб борилди.

Педагогик таълим жараёнида ёшларда шакллантирилиши зарур бўлган толерантлик тафаккури куйидаги эмоционал-интеллектуал ҳолатларни ўзида мужассам этган толерантлик тафаккури шаклланганлик индикаторларининг мавжудлигини билдиради (3-расмга қаранг).

3-расм

Ёшларда толерантлик тафаккурининг шаклланганлик индикаторлари

№	Индикаторлар	Хусусиятлар
1	Қатъиятлилиқ	Вазиятни эмоционал англаишда уни тўғри баҳолаш, ўзини тута билиш, вазият билан боғлиқ эмоционал зиддиятли ҳолатларни бартараф эта олиш, ташқи ҳолат ва таъсирларга нисбатан ўзини тўғри тутиш.
2	Англаганлик	Ўзини тутишда маълум инсоний меъёрларнинг қўлланилишини билиш ва қабул қилиш, ўз нутқини салбий иборалардан тозалаш, мулоқотларга доимий тайёргарлик, ташқи вазиятлар таъсирига толерантлик тамойиллари асосида акс-таъсир эта олиш.
3	Мустақиллик	Тартиблилик, қатъиятлилиқ, ўзига ишонч, зиддиятли вазиятлардан мустақил чиқиб кета олиш, бундай ҳолларда толерантлик тамойилларини ишлата билиш, уларга доимий равишда риоя этиш, ўзини тутиш, ўз ҳаётидаги мулоқотлар ва муносабатларни тўғри ташкил этиш.
4	Тафаккурлилиқ ва зиёлилиқ	Ўз фикрларини толерантлик асосида ўтказа олиш, ҳар доим мулоқот ва таъсирлар учун самимийлик, эъозли муносабат, диний, маданий, дунёвий бағрикенглик тамойилларига риоя этиш, нозиктаъблиқ, ўз қарашларига танқидий ёндашиш, ўзгаларнинг яхши таъсирини қабул қилиш, ўзи ҳам бошқаларга бўлган муносабати орқали ҳурматга сазовор бўлиш.
5	Меҳр-мурувватлилиқ	Меҳр-мурувват кўрсатиш бағрикенгликнинг бир кўриниши бўлиб, инсонларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёрдам кўрсатиш, моддий ва маънавий қўллаб қувватлашдир.
